



## «АДОЛАТ БОР ЭКАН, ҲАҚИҚАТ БУКИЛМАЙДИ»

«Поста»нинг шу йил 30 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида пойтахт ҳимоячилари ҳайъати ходими Забиҳилла Муҳаммаджонов билан суҳбатни ўқиб, мен айрим мулоҳазаларимни баён этсам, деган фикрга бордим. Мазкур суҳбатда қўйилган саволлар ҳам, айтилган жавоблар ҳам жуда авияли. Айниқса, суд ислоҳоти тўғрисида билдирилган фикр ва таклифни қўлаб қувватлайман.

Мен ушбу суҳбат юзасидан, асосан, бир ўринга алоҳида эътиборни қаратмоқчиман.

«Кейинги пайтда ўғирлик ва чайқовчилик кўпайди. Утган йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида 2 мингга яқин автомашина ўғирланган. Аксарият камёб моллар чайқовчининг қўлида...» — деган мулоҳаза жуда тўғри. Энди шундай савол турғилиши табиий: НЕГА? Бунинг ўзига яраша бир неча сабаблари бор. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари, фуқаролар бу сабабларни яхши биладилар. Шулардан бири милиция билан аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқа яхши йўлга қўйилмаганлиги. Яна бири милиция зарур техника воситалари билан етарли таъминланмаганлиги. Айрим жойлардаги милиция ходимлари чайқовчилар билан «тил топишиб» олганлиги. Ва ниҳоят — **ЛОҚАЙДЛИК**. Энди шу сабабларни қисқача изоҳлаб ўтсам.

1. Милиция ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқа, Аксарият маҳалла, мавзе ёки даҳада ички ишлар бўлими билан аҳоли ўртасидаги энг асосий ришта-участка вакили ҳисобланади. Хўш, бу ришта ўз вазифасини қай даражада адо этмоқда. Ишонч билан айтманки, кўпчилик жойларда одамлар ўз участка вакилини бирор кўнгилсиз воқеа содир бўлгандагина кўрадилар, холос. Менимча, участка вакили маҳалла қўмитаси раиси ва фаоллари билан бир қаторда, фақатгина иш юзасидан эмас, балки ўзига қарашли ҳудудда бўладиган тўйларда, турли маросимларда, жанозаларда мунтазам қат-

нашиши лозим. Ана шундагина у одамлар билан яқиндан муносабатда бўла олади.

2. Милиция бўлимлари зарур техника воситалари билан етарли таъминланмаган. Айниқса, қечкурун, тунда бирор жойда жиноят содир бўлганлиги ҳақида хабар берилса, айнан техника камчилиги боис кўпичча милиция ходимлари ўша жойга кечикиб етиб борадилар. Сир эмаски, кўпчилик аҳоли милицияни «қўли узун кишилар» деб ўйлайди. Техник камчиликлар ҳақида кўплар беҳабар. Охир-оқибатда милиция бирор жойда содир бўлган жиноятдан хабар топиб, ўз вақтида етиб бора олмасдан жиноятчи қочиб қолса, аҳоли ўртасида: «Ҳа, уларнинг тили бирда, ата-

### МАВЗУГА ҚАЙТАМИЗ

йин кечикиб келади, жиноятчи қочиб кетсин, дейишадилар», — деган ўринсиз маломат, мулоҳаза пайдо бўлади.

3. Шоли курмасиз бўлмайди, дейди халқимиз. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари орасида ҳам айрим адашиб юрган милиция ходимлари йўқ эмас. Бу ҳол, айниқса, деҳқон бозорларида, чайқов расталарида яққол кўзга ташланади. Масалан, Бешёғоч, Миробод каби қатор деҳқон бозорларига боринг, чайқовчилар сигарета, сақич, лезвия каби нарсаларни бемалол беш-олти баробар ортигига, очик-ойдин пештахтага териб қўйиб, сотиб ўтирадилар. На бозордаги мутасаддилар, на милиция ходимлари уларнинг мушугини «пишт» демайди. Бундай ҳолни шаҳардаги айрим чойхоналарда, абонемент дўконларида ҳам кўриш мумкин. Хўш, дўконларда камёб ёки топиллиши қийин сигарета, сақич, лезвия чайқовчилар қўлига қаёқдан келиб қолмоқда.


Шунингдек, кўплаб маҳалла ва мавзеларда сигарета, ароқ, винони устама (чайқов) нарҳида сотувчи «махсус» хонадонлар мавжуд. На

маҳалла қўмитасидагилар, на участка вакиллари бу ҳолга индамайдилар.

Бозорларда чайқовчилар тўлиб етибди. Дўконларда талон билан бериладиган, камёб бўлиб қолган чит, калиш, қуруқ чой, қаҳвадан тортиб турли-туман хорижий кийимларгача бор чайқовчида. Масалан, бир жуфт калиш 22-25 сўм, бир юмалоқ чой 5 сўм, 100 грамм қаҳва 22-25 сўм, қиз болалар (2-3 ёшли) кўйлаги 100-110 сўм, кувёв туфли 450-900 сўм, ёш болаларнинг кийими 50 сўмдан 130 сўмгача ва ҳоназо, Хўш, бозордаги мутасаддилар, милиция вакиллари бундан беҳабарми? Йўқ. Бўлмаса, нега индашмайди? Агар бозорлардаги чайқовчиларга эътибор билан қарасангиз, бир неча йиллик «стаж»га эга «кунда-шунда»лар. Янги келгани ўша кун қўлга тушади. Эскилари эса... «маош»ни ўз вақтида тўлаб турса, бас. Қисқаси, қаловини топган қорни ёқиб, чой қайнатиши аниқ.

4. **ЛОҚАЙДЛИК**. Бу ҳақда узундан-узоқ тўхталишга ҳожат йўқ. Фақат мана шу иллат борлиги учун ҳам турмушимиз ночор бўлиб қолганлиги аниқ. Соҳибқирон Амир Темур қилчига «Рости-русти» деган ҳикмат ёзилган экан. Бунинг маъноси «куч-ҳақиқатда» демакдир. Бу ҳикмат бизнинг даврга келиб, «ҳақиқат-кучда» шаклини олди. Куч эса пулда бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам пул топиш удумга айланди. Бу йўлда ҳалоллик эмас, эгрилик асосий дастур вазифасини ўтамоқда. Тан олиш керакки, тузумимиз учун бу давр талаби бўлиб қолмоқда. Муаммо ижобий ҳал этилишига ишонч сўниб бормоқда. Айниқса, нарх-навонинг ўсиб бориши, пулнинг (шу билан бирга одамнинг) қадрсизланаётганлиги эгри қадам босишга ҳатто кишини мажбур қилмоқда. Бу ҳол қачонгача давом этар экан? Қиёматтачами?

Дилмурод САИДОВ,  
журналист.



Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимида ўз касбининг фидойисин бўлган ходимлар кўплаб топилди. Шаҳардаги 8-ўрам (микрорайон)га хизмат кўрсатадиган участка вакили милиция лейтенанти Раҳматилла Омонқулов шулардан бири.

Уни доимо одамлар орасида учратиш мумкин. Чунки бир-икитилган қудудда ҳуқуқбузарликлар олдини олишнинг муҳим шарти кишилар қалбига йўл топишда эканлигини яхши билади.

Суратда: Р. Омонқулов фуқаро билан суҳбат чоғида.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

## ҚАМИШ ОСТИДАГИ МОТОЦИКЛ

1991 йил 26 май куни Қамаш тумани ички ишлар бўлимида марказий касалхонадан Ойнакўл қишлоғида номаълум шахс 5 ёшли Ботиралли Убаевни мотоциклда уриб кетиб, яширинганлиги ҳақида маълумот олинди. Тезда оператив гуруҳ воқеа содир бўлган жойга етиб борди. Гуруҳ таркибида терговчи Б. Жўраев, ДАН ходими М. Сариев ва участка инспектори У. Маматовлар бор эди. Содир этилган воқеа жойи кўздан кечирилганда, ҳеч бир из аниқланмади. Фақат бир фуқаро мотоцикл рақамининг охириги икки сонли «67» эканлигини айтди.

Оператив гуруҳ воқеани барча ходимларга билдиргач, тезда мотоциклни қидиришга киришдилар.

Қатъий ҳаракат ўз самарасини берди. Воқеанинг эртаси

кунини мотоциклчи аниқланди. У Қамаш шаҳридаги Тошкент кўчасининг 101-уйида истикомат қилувчи Фахриддин Хидиров бўлиб чиқди. Ф. Хидиров 1974 йилда туғилган бўлиб, ўрта мактабни тамомлагандан буюн ҳеч қаерда ишламайдиган. У акиси Бобомуродга тегишли бўлган «Урал» белгилли 78-67 КФВ рақамли мотоциклни сўрамасдан миниб чиқиб, Ойнакўл қишлоғида катта тезлик билан кетаётган норасидани уриб юборган. Уловни эса янгидан қурилаётган уйларнинг бирига киргизиб, қамашлар остига яшириб қўйган экан.

Зубайдулло  
МУҲАММАДАЛИЕВ,

Қамаш тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимида бошлиғи милиция майори.

Қардош Туркменистон ССЖ Олий Кенгаши яқинда бўлиб ўтган сессиясида милиция ҳақида қонун қабул қилди. 9 та боб, 46 та моддadan иборат бу қонун иттифоқдош жумҳуриятлар ичида биринчилардан бўлиб ишлаб чиқилди ва кучга кирди.

Қонунда Туркменистонда милицияни ташкил этиш, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, махсус восита ва қуролларни қўллаш, милицияда хизмат қилиш, ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси, ми-

## МИЛИЦИЯ ҲАҚИДА ҚОНУН

лициянинг молиявий ва моддий-техникавий таъминоти, унинг жаъобгарлиги, милиция фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш масалалари ўз аксини тўла топган. Ҳуқуқий ҳужжатда қатор аниқликлар мавжуд. Жумладан, 13-модданинг 15-бандида милиция ташкилот ёки шахслар маблағи ҳисобига ўтказилаётган тижорат

тўлиқ оммавий тадбирлар пайтида жамоат тартибини сақлаш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Шу модданинг 31-бандига мувофиқ Туркменистон ССЖ ҳукумати белгиланган тартиб асосида ҳуқуқий шахс ёки фуқаролардан қонунга кўра олинган ёки мусодала этилган буюмларни оператив

хизмат фаолиятида ишлатиш учун харид қилиб олиши мумкин.

21-моддада эса милиция ходимлари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бирлашмалар тузишлари мумкинлиги айтилган.

32-моддасига кўра эса бурчинини ўтваси ҳалок бўлган милиция ходими оила аъзоларига

унинг етти йилдан ўн йилгача бўлган маоши берилади. Оғир тан жароҳати олган ходимларга эса уч йилдан беш йилгача бўлган маоши миқдориде товои тўланади.

Уйлаймизки, қонун йўли билан ўз ҳуқуқ ва бурчларини қўлга киритган туркман ҳамкасбларимиз жумҳуриятларида ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамлангани йўлида ҳормай-толмай хизмат қиладилар.

Ҳ. ЖўРАЕВ.

МИЛИЦИЯ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

# У ИШБИЛАРМОН ЭДИ

Нурмат Тўхтасинов...  
Агар Андижон вилоятида юз билан юзлашаётган табаррук қариялар билан суҳбатлашганда ана шу номни тилга олсангиз, инқилоб учун, унинг ғалабасини мустақамлаш учун кечган жангларда суяги қотган собиқ ва марҳум милиция ходими ҳақида кўп қизиқ ҳикояларни эшитишингиз мумкин.

Дарҳақиқат, элим деб юртим деб кўп таҳликали воқеаларни бошдан кечирган бу кишининг ҳаёти ҳеч кимни бекфарқ қолдирмас керак.

Нурмат Тўхтасинов 1901 йилда камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Унинг оиласида жами ўн киши бўлиб, тиркичилик анча қийин кечарди. Отаси Исроил Булоқбоев, Оқназар Бозорбоев, Қораш Жайчиев сингари маҳаллий бойларнинг уйда экин-тикин билан шуғулланарди. Шунинг учун ҳам турмуш мушкулликлари ёш Нурматнинг бошига жуда эрта тушди. 1913-



1918 йилларда чоракорлик қилди, қиш пайтларида эса эски мактабда саводини чиқариб олди. 1924 йилда эса кўнгиллилар қаторида қизил милиция сафига кирди.

У то Улуғ Ватан уруши бошлангунча инқилоб мухо-

лифларига қарши олиб борилган шиддатли жангларда иштирок этди, турли лавозимларда хизмат қилди. Ҳатто Фарғонада алоҳида милиция гуруҳи тузишга киришди. Бу ишни муваффақиятли адо этди. 1938-1941 йилларда ИИВнинг Хо-

разм вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи, кейинчалик Андижон вилояти милиция бошқармаси бошлиғи каби юқори ва масъулиятли вазифаларни бажарди. Бу йиллар унинг учун чиниқ, товланиш йиллари бўлди. 1941 йил 6 март кун Андижон вилояти ташкил топди. Нурмат Тўхтасинов вилоят милициясини қайта ташкил этишда ўзининг ишбилармонлигини ва ташаббускорлигини намоён этди. Қисқа қилиб айтганда, у оддий ходимликдан милиция полковниги даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Учта Қизил Юлдуз, битта Қизил Байроқ, иккита Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, турли медаллар ва бошқа мукофотлар билан тақдирланди. У умрининг сўнгги йилларида ЎзССЖ Олий Кенгаши депутати этиб сайланган ва ўз сайловчилари ишончини қозонган эди.

И. РАҲИМОВ.

СУРАТДА: Андижон вилояти ижроия кўмитаси раиси А. Мусаев ва ички ишлар бошқармаси бошлиғи Н. Тўхтасинов (ўнгда). Музейдаги суратдан кўчирма.

# ДИЛИМИЗ СИЁҲ БЎЛДИ

Бағдод тумани халқи азал-азалдан ўзининг ширинсуханлиги, меҳмондўстлиги билан оғизга тушган. Гўёки меҳмон отангдан улдуғ, деган нақл уларга нисбатан айтилгандек. Қолаверса, бу халқнинг яна бир яхши одати бор. Спорт деса, жонини жабборга бериб юборади. «Бағдодчи» футбол команди мизнинг айни пайтда «А» класснинг иккинчи лигасига чиқиб олганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Яқинда мен ва яна бир гуруҳ футбол ишқибозлари Москвада бўлиб, сеvimли командамиз учун алоҳида автобус ундириб қайтдик. Бу билан айтмоқчиманки, қўшни вилоят ва туманларда ўтказиладиган мусобақалар ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди.

5 июль кунги командамиз Наманган вилоятидаги «Норин» командаси билан куч сынашиши керак эди. Биз, бағдодликлар аввало уйини ўша жойнинг ўзида томоша қилиш, қолаверса, командамизга руҳан мадад бериш мақсадида Ҳаққулободга бордик. Уйингоҳга чипта сотиб олдик ва ўрнимизни эгалладик. Лекин дастлабки пайтдаёқ табиатимиз тирриқ бўлди. Бир гуруҳ босар-тусарини билмаган, оғизга кучи етмаган ҳаққулободликлар кўпол сўзларни айтиб, бизни ҳақорат қила бошлашди. Эътибор бермасликка уриндик.

## ДУСТ АЧИТИБ ГАПИРАДИ

Ниҳоят, командалар майдонга тушишди. Бош ҳакам Тошкентдан экан, жуда адолатли иш юритди. Лекин бу ҳам юқорида айтилган айрим «меэбон»ларга ёрмади. Айниқса, «Норин» командасига жарима тўли белгиланган пайтда уларнинг мазмунсиз бақирлиқлари авжига чиқди. Улар бор овоз билан биргаликда жўр бўлиб, ҳакамни ҳақорат қилишди. Олдинги қаторда терилиб ўтирган бир неча милиция ходимлари миқ этишмасди. Бир вақт ахлоқсиз йигитлардан бири бизга яқинлашиб, дўқпўписа қила бошлади. Яхшиямки, ўша ерда бир ДАН ходими — милиция сержанти бор экан. Уша жонимизга оро кирди. Аммо шунда ҳам боғи тартиб посбонларидан садо чиқмади.

Бизда-чи? Агар Бағдодда ўйин бўладиган бўлса, милиция ходимлари осойишталигини сақлашга бор куч ва имкониятлари билан ҳаракат қилишади. Тартибузарлар шу пайтнинг ўзидаёқ ўйингоҳдан чиқариб юборилади. Чунки ИИБ бошлиғи милиция майори А. Саримсоқовнинг ўзи ўтиш йўлига стол қўйиб ўтиради ва ўз ходимлари ҳаракатини тинмай назорат қилади.

Норин милицияси ходимлари фаолияти эса бошқача экан. Уларга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, агар Бағдодга келиб, милиционерларимиз тақрибасидан сабоқ олиб кетсангилар, ўзларингизга жуда ҳам фойдали бўларди. Бу аҳволда эса милиция формаси кадрини йўққа чиқараёпсизлар.

Жўрабой БОЛТАБОВЕВ, Бағдод тумани халқ таълими бўлими қошидаги уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси, ЎзССЖ халқ маорифи аълочиси.

# Айбим қиз бола эканлигимми?

Ассалому алайкум «Постда» таҳририяти!

Мен ҚҚМЖ Амударё туманида истиқомат қиламан. Ўзим оддий ишчи оиласиданман. 1990 йил Бухоро автомобиль ва йўллар техникумини тугатганман.

Менинг жуда ҳам милицияда ишлагим келади. Худо раҳматли дадамларнинг ҳам ниятлари шундай эди.

Шу мақсадда мен Амударё тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Ж. Раҳимовга учрашдим. У киши: «Юрист ёки ўқитувчи бўлганингизда, болалар назоратчиси қилиб олардик. Лекин ДАНга қиз болани олмаيمиз», — дедилар. Бир неча ИИБларга учрашдим. Бироқ ҳамма жойда шунга ўхшаш жавоб беришди.

Ҳатто жумҳурият ИИВнинг кадрлар бўлимига уч-

рашганимда: «Автокорхонага боринг», — деган жавоб олдим. Ўқиб юрган кезларимда штатсиз назоратчи бўлиб ишлаганман. Ҳеч бўлмаса йўл-патруль хизмати назоратчиси қилиб олишса бўларди.

Келажакда милиция олий мактабига кириб ўқиш ниятим бор.

Нима учун менинг кўнглимга ҳеч ким қарамайди? Тушунини хоҳлашмайди? Урта мактабни амаллаб тугатган йигитлар ишлаб юришибди-ку милицияда! Наҳот менинг айбим қиз болалигим бўлса! Еки бирон жойга: «Қиз бола милицияда ишласлиги керак», — деб ёзиб қўйилганми?

Катта умид билан сизларга ушбу мактубни ёздим.

Райҳон ЙУЛДОШЕВА, Амударё тумани.



ЖИНОЯТЧИ ИЗИДАН.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

## ТАКЛИФИМ БОР

### ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИРИЯТИ ОЧИЛСА...

Яқинда Тошкент туманига, аниқроғи Келесга йўлим тушган эди. Иттифоқо бир танишимни учратиб қолдим.

— Тошкентдаги кўнгина «Союзпечать» дўконларидан «Постда»ни тополмайман, — деди у ҳол-аҳвол сўрашгач. — Рўзномачилардан ҳам хафаман, кўпроқ чиқаришса бўлмайдими?

Унинг соддалигидан завқландим, «Постда» мухлис-

лари кўпаётганидан қувондим. Бир ҳафта олдин бошқа бир танишим Янгийўлда бу рўзномани қидириб юганини кўргандим.

Энди мақсадга ўтсам. «Тошкент оқшоми», «Тошкент ҳақиқати», «Совет Ўзбекистони» каби рўзномалар қошида жамоатчилик таҳририятлари бор. «Постда» ҳам шундай қилса, кўнгилдаги иш бўларди.

М. ҲАКИМОВ.

# ҚАЛБИНГИЗНИ ТИҒЛАМАЙДИМИ?

## 1. АНТИҚА ГУРУНГ

Тошкент шаҳар ИИБ давлат автомобиль назорияти бошқармасига борганимизда, қизгин бир мажлис давом этарди.

Бу ерда йўл ҳаракатида юз бераётган фалокатлар, уларнинг олдини олиш ҳақида гап бораётган экан. Вазъонларнинг эҳтиросли маърузалари, таклиф ва мулоҳазалари хийла қизиқарли. Бироқ... орқа ўриндиқда ястаниб ўтирган ички-уч милиция ходимининг ўзаро гурунги ундан-да қизиқроқ эди.

— Эҳ, у жойгами? — дерди улардан бири. — Мени юборишса борми, бир ҳафтада ўзимга кераклича йиғиб олардим.

Иккинчи гурунгоз норози бош чайқади:

— Менга ҳозиргиси тузукроқ.

Мажлисдаги тортишувлар, куюнчак маслаҳатлар давом этгани сари антиқа гурунги ҳам авжига чиқмоқда эди.

## 2. ПОЛКОВНИКНИНГ ФИКРИ

ИИБ давлат автомобиль назорияти бошқармаси бошлигининг ўринбосари милиция полковниги Борис Васильевич Путинцев билан суҳбатимиз олиб борилаётган ишлар, муаммолар, умуман ДАН ҳақида бўлди.

— Шаҳримизнинг йўллари талабга жавоб бермайди. Лекин шунга қарамай ишларимиз секин бўлсада, олдинда силжимоқда. Бироқ шу ўринда баъзи бир эҳтирозларни айтиб ўтмоқ жоиз, бизда негадир қаҳрамонлик кўрсатганларни ўлимидан сўнг тақдирлашди. Уруш вақтларида душман аниқ, очик душман билан жанг қилинарди. Бизнинг ишимизда ҳар кунин уруш. Аммо душман ноаниқ, тартибли деб ўйлаган одамнингиз «бандит» бўлиб чиқиши мумкин. Айтишса, кечаси навбатчилик қилаётганларга қийин. Бирор йилимиз йўқки, қурбонсиз ўтган бўлса.

Борис Васильевич ходимлар орасида бизнинг фахримиз, дея ички кишининг — Деҳқон-

бой Жалилов ва Георгий Раҳимовлар номларини мамнун тилга олиб ўтди.

— ДАН ходимлари ҳақида (беркитишнинг нима кераги бор? «Э, улар астойдил ишларимиди? Уларга 5-10 сўм бериб қўйсанг бўлди», — деган гапларга бир неча марта гувоҳ бўлганмиз. Аччиқ бўлсада, бу гапларда жон бор, — дейман.

— Бундайлар, — дейди суҳбатдошимиз, — ўзининг инсонлик кадрини 10 сўмга сотадиган паст одамлардир. Улар нафақат ўзларига, милиция шаънига ҳам доғ туширади. Уларга нисбатан чоралар кўраёلمиз. Бироқ бу борада камчиликларимиз ҳам бор...

Аммо тан олиб айтиш керакки, ДАНда сезиларли ўзгаришлар бўляпти.

## 3. УЯЛАРИМ ЕКИ СЎНГИ СЎЗ

Агар юқоридагидек «бир нимали» бўлиб қолиш илнжиде кунларини ўтказайтган «казаматлар» ҳам масъулиятни бўйинларига олганлариде, Балки шаҳарда юз берган оғир ҳалокатлар сони 1990 йилдагига нисбатан ўсмаган бўлардимми?

— Шундайлар борки, жиноят содир бўлаётганини кўриб, кўрмасликка олиб кетади, — деб куюнади Б. Путинцев.

...«Бир нимали» бўлаётганлар, наҳотки, эртанги кунларини ўйламасалар? Уша «бир нима» бераётганлар сизни яхши кўргандан бераётгандир... Эрта бир кун пенсия ёшига етганингизда, (ҳозир билинмайди, албатта) бошқаларга ўхшаб кексалик гаштини суришингизга ишонасизми? Уша вақтда «таъзим» бажо келтирганлар сизни танирмикин? Йиллар ўтиб, сочларингиз оппоқ оқарганда, набиранингизнинг сиз ҳақингизда «топиб» келган гапи қалбингизни тигламайдими? Ахир, унда дарди дунёнингиз қоронғу бўлмайди? Шулар ҳақида ўйладим.

Гўлмира ҚОБИЛОВА.

Чимкент йўли ДАИ пости жойлашган қисмида ярим кечадагина ҳаракат тўхтади, ҳолдан тойган навбатчилар эртабки тифиз ҳаракат бошланганидан олдин бир пилла аччиқ чой ичиб биров ҳордиқ чиқариш учун мўъжазгина хонага тўпландилар. Шу тобда бирдан эшик тақиллади. Ҳаёлига ҳеч бир шубҳали нарса келмаган старшина ким тақиллатганини билиш учун ташқарига чиқди. Шу дақиқада Тошкент четида тонг сукунагини отилган тўппонча товуши бузди.

Отишма юз берган жойга етиб келган милициянинг кучайтирилган нарядлари (уларни ўқ овозидан уйғониб кетган шу атрофдаги уйларда яшовчилар чақирган эди) ДАИ уч инспекторнинг қонга беланган жасадини топди. Тревога билан оёққа турган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бир неча соатдан кейин оқ қотиллар изига тушди. Улар қўшни минтақалардан келган одамлар эди. Соқчиларнинг қуролларига эга бўлиш учун улардан ваҳшинеа ўч олдилар, бу қуроллардан келгуси «ишларда» фойдаланмоқчи эдилар. Бахтимизга, бунга муваффақ бўлишмади, чунки ашаддий жиноятчилар бир неча кундан сўнг қўлга олинди.

Чимкент йўлидаги фожида Тошкент давлат автоинспекцияси сўнгги йилларда энг кўп жудодликка учради, афсуски бу сўнггиси эмасди. Жиноятчилар ўзлари олиб қочган автомашинада таъқибдан қочиб қутилмоқчи бўлишганда уларнинг йўлини тўсган соқчи ҳам ҳалок бўлди. Яқиндагина янги «Жигули» учта пост ёнидан ўқдек отилиб ўтди ва гавжум жойга яқинлашиб қолди. Дахшатдан эс-ҳушини йўқотиб қўйган жиноятчининг йўлини таёқ ушлаган ёш сержант сўнгги деқиқаларда тўсмаганида эди, оқибати жуда дахшатли бўларди. Сержант ўз ҳаётини қурбон қилиб, кўп йўловчиларни ўлим дахшатидан сақлаб қолди.

Бундай мисоллар жуда кўп. Сўнгги вақтда кўп жиноятларда автомобиль транспортдан фойдаланилмоқда, бинобарин ДАИ ходимлари беихтиёр жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги маррасига чиқиб қолдилар. Қизил чироққа қарамай ўтиб кетиш, тезликни ошириш, йўл ҳаракати қондаларини ўта қўпол равишда бузишлар оддий ҳодиса бўлиб қолди. Автомобилларни кўплаб ўғирлаб кетиш ва кейинчалик катта пул эвазига эгаларига қайтариб бериш атомотоҳаваскорлар учун ҳақиқий кулфатга айланди. Машиналарни олиб қочувчилардан энг пухта сигналлар ҳам, кулфлар ҳам машинани асраб қололмайди. Энг дахшатлиси шундаки, кўчаларда ва йўлларда юзлаб одамларнинг ёстиғи қуриди, минглаб одамлар мажрўҳ бўлиб қолди.

Вазиятни ўзгартиришга ҳеч ким урғиниб кўрмади, дейиш нотўғри бўлур эди. Рейдлар, кўриқлар мунтазам ўтказилди, пост инспекторлари, ДАИ патрул машиналари сони мунтазам кўпайтирилди. Лекин вазият яна эски изга тушаверди.

Янгича чоралар кўриш та-

лаб қилинарди. Тошкент ДАИ бошқармасининг янги бошлиғи Аҳмаджон Эркабоев шундай чораларни тақлиф қилди, у икки юз кунга мўлжалланган ва худди шунча банддан иборат дастурни ишлаб чиқди. Эркабоев эса янги лавозимда ўз фаолиятини қутулмаган тусда бошлади: шахсий составнинг тўртдан бир қисмини ҳар кун вақтини йўлларда эмас, балки спорт залида ўтказишга мажбур қилди. Сўнгги аттестация бошланди. Бунинг оқибатида айрим ходимлар ишдан бўшатилди.

— Бизнинг ишимизда фақат моҳир кишилар ишлаши керак, — деб тушунтиради Аҳмаджон Эркабоев.

Фарғона фожиаси кунларида тревога билан биринчи гуруҳ тарихида ўша ерга борганида ўқувчиларнинг қандай ҳаракат қилишини кўп кўрган эди. Ўша кунлардан хотира сифатида фотосурат

лар. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ махсус ҳисоб варақасига 200 минг сўмдан ортиқ пул ўтказдилар. Маблагнинг асосий қисми йўлларни, чорраҳаларни техникавий жиҳозлашга, давлат автоинспекциясининг ўзига, махсус техника, алкометрлар сотиб олишга сарфланади.

Ҳайдаб қочилаётган транспортни ўз вақтида аниқлаш имконини берадиган «Пеленг» тизимини барпо этиш тугалланай деб қолди. Машинани ҳайдаб қочиш ва бошқа жиноятларга қарши курашадиган махсус бўлинмалар ташкил этилди. Ходимлар талабчанлик билан танлаб олинган сўнг қўл жанги, қуролни ишлатиш, шошилинч мудофаа, қўлга тушириш усулларига ўргатилди. Йил бошидан буён махсус бўлинма машинани ҳайдаб қочгани учун бир неча ўн кишини ушлади. Чунинчи, ҳайдовчи аса-

ҳамма нарсани ўз кўзим билан кўрмаслигим мумкин эмас.

Йўл-патруль хизмати полки командирининг ўринбосари майор Жамол Дадажонов милицияга қарашли янги «Жигули» кабинасига одатдагидек ўрнашиб ўтирар экан, қўллари билан ёнига ўтиришга ишора қилди. Рақия мурвати шикиллаб машина ичида диспетчернинг жарангдор овози эшитилди:

— «Лолалар», диққат қилинг. Халқлар дўстлиги шоҳкўчасидан «Победа» автомашинаси ҳайдаб қочилган. Белгиларини маълум қиламан...

Машинамиз жойидан қўзғалади ва бирдан тезликни оширади. Аммо орадан бир неча минут ўтгач, диспетчер хотиржамлик билан машина ушланганлигини хабар қилади, машинани олиб қочган одам наркологиya экспертизасидан ўтказилгандан сўнг ўзи яшай-

хурсанд бўлади ҳайдовчи осонликча қутилаётганидан.

Орқа ўриндиққа яна бир милиционер ўтиради ва «Москвич» гуриллаб жўнаб кетади. Жамол Жалолович ҳайрон бўлиб турганимни кўриб тушунтирди:

— «Чойхонага бориш» ДАИ ходимлари тилида «экспертизага юбориш» дегани. Бундай бақувват йигитни кўндириш осон дейсизми. У ерда эса бутунлай бошқа жойга бориб қолганини кўргач жуда мулоим бўлиб қолади.

Яна бир соатдан сўнг ҳаракат деярли тўхтади, биз эркин ҳаракат қилиб излашга ўтамиз. Тўсатдан машинада диспетчернинг ҳаяжонли овози янгради:

— Оқ тусдаги «ноль олти» Энгельс кўчасидан айланма йўл томон катта тезликда кетаяпти...

Биз бу машинани қаерда қўлга туширишимиз мумкинлигини ўйлашимиз улгурмай Дадажонов машина тезлигини соатига 140 километрга өтказди. Бир неча минутдан сўнг биз ўша оқ машинани кўрдик. Яна бир неча дақиқадан сўнг автомобиль йўлга кўндаленг бўлиб тўхтади. Оқ рангдаги «ноль олти» эса орада бир метр қолганда тўхтади. Унда икки киши бор, иккаласи ҳам олдинги ўриндиқда ўтирибди. Улардан бири икки чўнтагига қўл солди, мен бирдан шу яқин жойда Чимкент йўлида юз берган ўша фожиани эсладим. Агар нотаниш ўқ отмоқчи бўлса, мен унинг рўпарасида турибман. Бирдан нотанишлар бараварига табассум қилишди, улардан бири жиноят қидирув бўлими ходими гувоҳномасини кўрсатиб, йигитлар, чакки ишламаёптислар, дегандек бош бармоғини кўрсатди.

— Узимизникилар экан, — деб хабар қилди микрофонга Жамол Жалолович ва менга қараб қўшиб қўйди: агар сиз қарши бўлмасангиз бугунга өтара!

Кўп йиллар давомида биринчи марта республика пойтахтида йўл—транспорт ҳодисалари уч ойлик маълумотларида «олу» белгиси қўйилмоқда. Утган йилга нисбатан бундай ҳодисалар анча камайди. Бошқа рақамлар ҳам чакки эмас: автомобиль инспекторлари йўлтўсарлик ва талончилик, давлат ва шахсий мулкни ўғирлаганлик учун ўнлаб одамларни ушладилар. Бундан атғи бир йил олдин бирорта ҳам бундай воқеа бўлмаган эди.

Дастурни амалга оширишнинг дастлабки натижалари ана шундай.

Яқинда ҳам Тошкент давлат автоинспекциясида бўш турган лавозимлар кўп эди. Ҳозир эса бу хизматга ўтиш учун қаттиқ танловга бардош беришга тўғри келади. Инспекторларнинг юзида ҳаммаш уларга хос бўлган журъатсизлик қолмади, машинани бошқариб бораётган ҳар қандай барзанги ҳам уларни чўчита олмайди. Уларга қараб туриб, жиноятчилик унчалик қудратли эмаслигига ишонч ҳосил қилсан киши.

**В. БИРЮКОВ,**  
«Труд» махсус муҳбири  
Тошкент.  
[«Труд» газетасининг 1991 йил 31 июль сонидан].

# ЭРКАБОВНИНГ «200 КУНИ»

ТОШКЕНТДА МАҲАЛЛИЙ АВТОМОБИЛЬ ЙУЛЛАРИДА ТАРТИБ  
УРНАТИШГА ДОИР НОЁБ ДАСТУР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

қолган, суратда у ўша вақтдаги майор, СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари қўмондони генерал-полковник Шаталин билан турибди, кези келганда қўмондон Аҳмаджоннинг командирлик фазилатларини алоҳида таъкидлаганини айтиб ўтиш керак.

Эркабоев дастурининг янгилиги шундаки, унда йўл ҳаракати қондаларига риоя этилиши учун кураш йўлларининг аҳоли, транспортнинг техникавий ҳолати билан ўзaro боғлиқ қилиб қўйилган. ДАИ фаолияти учун бошқа мезонлар ҳам жорий этилмоқда.

— Биз ялпи кўрсаткич учун ишлар эдик, бу эса кўпинча қўшиб ёзиш, йўл қондалари бузилганлигини тўқиб чиқаришга мажбур қиларди, — дейди Эркабоев. — Бундай шароитда нопок кишилар ўзларини эркин ҳис этишарди. Энди эса ишга энг муҳим кўрсаткичга қараб баҳо берилди. Бу — маст ҳолда машина бошқарётган ҳайдовчиларни, темир йўл билан кесилган жойлардан ўтиш қондаларини бузувчиларни, транспортни давлат белгиларисиз ҳайдовчилар ва бошқаларни аниқлашдир. Санаб ўтилган қондаларнинг бирортасини ҳам тўқиб чиқариб бўлмайди, чунки қондан бузган аниқ одам, гувоҳ, экспертиза бўлиши керак.

Яқинда ташкил этилган ҳаракат кавфисизлиги жамғармаси тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Тошкентдаги саноат корхоналари ва кооперативлар бу жамғармага хомийлик қилмоқда-

бини фалаж қилувчи газ билан ганг қилиб қўйган номалум кишилар бир кеча-кундузда топилди. Таҳлил этиш йўли билан шаҳарнинг энг хатарли районлари аниқланди ва назорат қилинмоқда, машиналарни ҳайдаб қочиш сони фарз қилинмоқда. Ўғирланган машиналар қисмларга ажратилиб ташланадиган кўпгина яширин «устахона»лар аниқланди. Бунинг устига фақат махсус бўлинмаларгина эмас, давлат автоинспекциясининг барча шўъбалари унумли ишлай бошлади.

Йўл хизмати полкининг инспекторлари сержантлар И. Забродин ва А. Каримов Киров районида соқчилик қилаётган пайтларида ВАЗ-2101 автомашинасини қулаб, уни тўхтатдилар. Рулни бошқарётган М. Зоировнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ экан, текшириш чоғида транспорт воситасининг агрегатлари ўғирлаб олинганлиги аниқланди.

Яна бир қизиқарли воқеа: Октябрь районида ВАЗ-2101 маркали зангори тусдаги автомашина ҳайдаб қочилди. Йўл-соқчилик полкининг сержантлар С. Омонбоев, К. Раҳимов, И. Ҳакимжоновдан иборат экипажи йигирма минутдан сўнг машинани топди ва уни олиб қочган одамни ушлади.

Давлат автоинспекцияси фаолиятини четдан туриб гоят диққат-этибор билан кузатиш ҳам ДАИ учун кунлар қандай кескин ва фожиали ўтиши ҳақида тўла тасаввур бермайди. Равшанки, мен экипаж таркибиде қичиб

диган Киров райони ички ишлар бўлимига келтирилади.

...Автотранспорт воситаларини ҳайдаб қочганлиги, ҳайдовчи ҳужжатлари ва номер белгиларисиз машинани бошқарганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги тақлифларни қонун чиқарувчи органларга тақдим этиш Аҳмаджон Эркабоев дастурининг бандлардан бири эди. Республика парламенти анча мuddат қамоқ жазоси беришни, катта жарима солишни кўзда тутувчи қонун қабул қилди, лекин биздаги одатга кўра бу қонунни қўлланиш воситалари эътибордан четда қолди. Натжидада қонун ҳужжатининг фойдаси сезилмапти.

Тошкент кўчалари бўйлаб сафаримиз давом этади.

Ҳужжатларни текшириш учун тўхтатилган «Волга» ГАЗ-24 машинасининг мотори ўғирлаб олинганлиги маълум бўлади. Бу хабардан ҳайратга тушган ҳайдовчи қариндошлариникига бориш ўрнига ўз машинасига йўловчи тарзида ўтириб ўзга томонга жўнашга мажбур бўлади. Шу пайтда яқинроқ жойда тўхтаган «Москвич» машинаси олдида қизиқ воқеа содир бўлади. «Адиас» фирмаси ишлаб чиқарган спорт костюмидаги бу олимфа ҳайдовчидан спирт ҳиди аниқди. Лекин у гандираклагани йўқ, алкометрға пуфлашдан бош тортади ва ёш инспекторга «келишишни таклиф этади. «Майли, кетдик чойхонага, — инспектор тўсатдан рози бўлади. — Фақат машинани мен бошқараман. — Бор экансизку, — деб

## МАҲБУСЛАР ҚАБИҲЛИКНИ ҚОРАЛАШДИ

Қорақалпоғистонлик Н. ўғриллиги ва қароқчилиги учун халқ суди ҳукми билан 8 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилинган, жазони бизнинг муассасамизда ўтаётгани.

Кейинги пайтларда у бошқа маҳбуслар орасида тартиб-интизом билан кўзга кўринди. Ва қисқа мuddатга болаларидан хабар олиб келиш учун унга юборилди. У қайтиб келгандан сўнг кўп ўтмай Қорақалпоғистон жумҳуриятида истиқомат қилаётган яқин кишидан хат олди. Унда шундай сатрлар бор эди.

«...Сизлардан илтимос, бу

хатни сизларга мен ёзганимни ҳеч ким билмасин.

Н.нинг турмуш ўртоғи Б. эри қамалгандан кейин иқтисодий жиҳатдан жуда қийналиб қолди. Қайнота-қайнонаси, бошқа яқин кишилари ёрдам беришга ожиз. У аёл киши бўлишига қарамай, бир этак болани ўзи емай едирётган, ўзи киймай кийдираётган эди.

Бир неча кун эри меҳмон бўлганда қувонди. Болаларининг отаси соғ-саломат эканлигини билиб, боши осмонга өтди. Минг азоб билан нечираётган шу кунларни учун ҳам

яратганга шукроналар айтди. Ҳаммаси ўтиб кетади, у киши қутулиб чиққандан кейин яхши кунлар келади, деб умид қилди, ўзини юпатди. Лекин Н. яна муассасага жўнагандан кейин дунё кўзига тор кўринди. Бу фақат айрилиқдан эмас, Қабихликни кўриниши, у инсофсиз учрашуга келиб, топган-тутганини қолдириш ўрнига ўғирликни қўл урибди. Рўзгор буюмларини, ҳатто энг арзимас нарсаларни ҳам сездирмай олиб кетибди.

Нажотсиз она нима қилсин! Ҳатто тирикчилик ўтказиш учун сизларнинг муассасан-

гиздан паноҳ топишга ҳам рози. Ахир, уйда ҳеч нарса қолмагандан кейин муштипар аёл чирқираб турган болаларини қандай боқсин!..»

Бу хатни Н. билан бирга жазо мuddатини ўтаётган маҳбусларга ўқиб эшиттирдик. Улар шундай ғазабланишдики, асти қўяверасиз. Бир пайтлар билиб-билмай жиноятчилик ботқоғига қадам қўйганлар бечора аёлга қўлларида нима келса, ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиришди. Ҳатто бу борада уларга йўл кўрсатишимизни талаб қилишди.

Уларнинг илтимоси инobatга олинди. Эрининг меҳридан ҳам,

илтифотидан ҳам, садақатидан ҳам маҳрум бўлган бечора аёлга 680 сўм миқдорда ёрдам пули юборилди.

Энг муҳими шундаки, бир пайтлар қилган жинояти учун қамалган маҳбуслар навбатдаги жиноятни қаттиқ қоралашди. Бу яхшиликдан далолат бўлса, ажаб эмас.

**Ш. СОДИҚОВ,**  
УзССР ИИВ ахлоқ тузатиш ишлари бошқармасига қарашли муассаса йўриқчиси ички хизмат капитани.

ТАҲРИРИЯТДАН: муаллиф ўзига тегиши лозим бўлган қалам ҳақини ўша аёлга жўнатишимизни сўрабди.

БУ ҲАҚДА БИЛАСИЗМИ?

# Амир оиласидан чиққан...

## Қизил Генерал

1920 йилнинг сентябрь ойида Қизил Лашкарнинг Михаил Васильевич Фрунзе қўмондонлиги остидаги қисмлари кўна Бухорони ишрол этди. Аксиланқилобчиликнинг Шарқдаги машъум ва шафқатсиз қароргоҳи абадий барҳам топди. Унинг сўнгги ҳукмдори Саид Олимхон қочиб, ўз жонини сақлаб қолди.

Бухоронинг собиқ амири Ҳиндистон ва Афғонистонга олиб чиқиб кетган жуда кўп бойликлардан хабар тошган Бухоро жумҳуриятининг ҳукумати шу бойликларнинг бир қисмига алмаштириш мақсадида амирнинг она аъзоларини гаров сифатида ҳибсага олди. Бироқ Бухоронинг собиқ ҳукмдори билан орқаворотдан олиб борилган музокаралар ҳеч қандай натижа бермади.

Устига устак амир Қизил Бут ва Қизил Яримой жамияти ёрдамида ўз онасининг бир гуруҳ аъзоларини — онаси Эшонийа, қизларини, учта хотинини Шўролар Иттифоқидан олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлди (тўртинчи хотинини, яъни эркесвар ва жасур соҳибжамол хотини Оймишони Олимхон ўз амири билан сарбозлар-жангчиларига эрмак қилиш учун бериб юборди). Уч нафар ўғли — Султон, Шохмурод ва Раҳим Иттифоқда қолиб кетдилар.

Улардан ҳар бирининг тақдири турлича бўлди. Кенжаси, 12 ёшли Раҳим, 1929 йилда дом-дараксиз ғойиб бўлди. Собиқ амирнинг одамлари интернатда тарбиячи бўлиб ишлаётган аёлини кўлга олишиб, уни ўғирлаб кетишга муяссар бўлдилар.

Саккиз йил ўтгандан кейин уларнинг тўнгичи Султон эса Сталин қатарини дучор бўлиб, қамоқхонада оламдан кўз юмди.

Шохмурод Олимовнинг тақдири мураккаб кечди. 1929 йилда у ишчилар куллитини тугатиб, ўз ҳаётини ҳарбийликка бағишламоқчи бўлди. Аммо ўша даврда ёш

ларнинг келажак ҳаёти тамомла синфий мансублик ва уларнинг ота-онасининг насл-насабига қараб аниқланарди.

Шу ҳол сабаб бўлиб собиқ амирнинг ўғли Шохмурод Ишчи-деҳқон Лашкарида унвон олишдан умид қилмасаму ҳам бўларди. Бироқ аҳволдан «чиқиш» йўли топилди.

«Известия» рўзномаси унинг отаси номига ёзган очик хатини эълон қилади, хатнда у ўз отасидан воз кечганди. Шундан кейин Шохмурод Олимов Ҳарбий-Муҳандислик академиясида таҳсил олиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб Шохмурод Олимов жанггоҳда бўлди. У юксак малакали зобит (офицер) сифатида Қизил Лашкар бўлинмалари сув тўсиқларидан ўтганини таъминлаш ишлари билан шуғулланди.

Крим ярим оролидаги жанглардан бирида Олимов кўприкка қўйилган миналарни безарар қилаётган пайтда биттаси портлаб кетади ва бир оёғидан умрбод маҳрум бўлиб қолади.

Ҳарбий ярадорхоналардан чиққач, Қизил Байроқ ордени ва бошқа қатор жанговар мукофотларнинг соҳиби ҳарбий хизматни давом эттириш учун жонажон академиясига юборилди. Бухоро амирининг ўғли генерал унвонига интилоқ қилди.

Шохмуроднинг болалик давридан, амир конасидан бошлаб биладиган, ўзи ҳам шу амир саройида ёш раққос бўлган, ҳозирги даврда Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Марям Ёқубованинг гапига қараганда, Шохмурод Олимов ўз ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача «ичиндан топ» одам бўлган, ўзининг ўтмиши ҳақида деярли ҳеч қачон ва ҳеч жойда оғиз очмаган.

«Курьер ДЛЯ ВАС» рўзномасидан

Пиримқул ДУСТМАМАТОВ таржимаси.



ШАНБА оқшомида, иш ҳафтасининг этагида, дилрабо куй ва қўшиқ тинглашга нима етсин? Айниқса хаёлларингни парижон қилаётган ашулани севимли хонданг куйлаётган бўлса, Сеҳрли уммон қўчоғига тушган вужудингдан ҳорғинлик ариётгани, аллақачондан кўтаринки кайфият бостириб келатганини сезасан шунда бенхтиёр.

Тошкент шаҳридаги «Парвоз» дастаси санъаткорлари ижросида тингловчиларга фақат манзур бўладиган қўшиқлар янграйди.

СУРАТЛАРДА: «Парвоз» дастаси дам олиш оқшомида мухлислари хизматида; куй-қўшиқ каттаю кичикни мафтун этади.

Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган суратлар.



АКС-САДО

## «ДИЛФУЗА НЕГА СЕВГИМНИ РАД ЭТДИ?»

Милиция ходимларига ҳурматим баянд. Шунинг учун «Постда» рўзномасини ҳам қолдирмасдан ўқиб бораман. Шу йил июнь сониде эълон қилинган «Дилфуза севгимни нега рад этди?» мақоласини ўқигач, сизларга хат ёзишга жазм этдим. Яхшим, Равшан акага шу рўзнома орқали ўз фикримни айтмоқчиман.

Равшан ака, яхшим Дилфуза билан вақтида ажралибсиз. Нега ундай деялман. Чунки мабодо у билан тақдирингиз қўшилганда ҳам, кейинчалик, албатта, Дилфуза сизнинг милиционер ва ишлоқи эканли-

гингизин юзингизга соларди. Бу энг даҳшатли воқеа бўларди. Менимча, у қиз энди бахтли бўлолмас керак. Сабаби ҳар бир инсон ҳаётда бир бор севади ва севилади. Шунинг учун ҳам Дилфузани энди ҳеч ким сизчалик сева олмас керак.

Сизнинг эса ҳали бахтингиз олдингизда турибди. Ишонманки, сиз севимли ёр ва меҳрибон ота бўласиз. Сизга ҳурмат билан синглингиз Озода Исмаиловна.

Андижон тумани, Охунбобоев номли давлат ҳўжалиги.

## Савол беринг, жавоб берамиз

**САВОЛ:** Мен 1970 йилдан буён Қувасой шаҳридаги 2-автоноҳонада ҳайдовчилик қилиш билан бирга жамоатчи автоинспектор сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келдим. Энди эса нафақага чиқиш тараддудидаман. Айтингчи, жамоатчи автоинспекторлик хизматим учун ҳам менинг нафақамга қўшимча ҳақ белгиланадими ёки йўқми?

Маҳмуджон АБДУҚАЮМОВ.

**ЖАВОБ:** Жамоатчи автоинспекторлар фаолиятини белгилловчи кўрсатма ва ҳужжатларда уларнинг хизматлари учун маош тайинлаш ёки кексалик нафақаларига қўшимча ҳақ тўлаш кўзда тутилмаган. Жамоат-

чи автоинспекторлар ўз хоҳишлари билан жамият олдидеги бурчларини адо этадилар.

**САВОЛ:** Эшитишимча, шу йилнинг август ва сентябрь ойларида Париж-Пекин йўналиши бўйлаб ўтказиладиган автомафон иштирокчилари жумҳуриятимиз Шудудидан ҳам ўтишаркан. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Собит ЖАЛИЛОВ, Дўстлик шаҳар ИИБ ходими.

**ЖАВОБ:** ССЖИ давлат спорт қўмитаси, ДОСААФ ташилотти, Франция ва Япониянинг бир нечта фирма раҳбарлари томонидан ўн йил муддатга имзоланган шартномага асосан Париж-

Пекин йўналиши бўйлаб ҳар йили автомафон ўтказилади.

Шу йилнинг август ойида Париж шаҳрида 250 та автоспортчига старт берилади. Жами 2000 нафарга яқин автомафон иштирокчисига йўлда 100 та махсус жиҳозланган транспортда хизмат кўрсатиб борилади. Улар жумҳуриятимиз худудига сентябрь ойида етиб келадилар ва Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятлари орқали ўтадилар. Сўнгра Чимкент, Жамбул, Бешкек йўналиши бўйлаб Пекин шаҳрига йўл оладилар.

Акмал ОҚИЛОВ, ЎзССЖ ИИБ ДАН бошқармаси бошлиғининг уринбосари милиция майори.

## ШУ ҲАМ ЖАЗО БЎЛДИМИ?

«Постда» рўзномасининг 23 июль кунги сониде «Рўзномада босилмади, аммо...» сарлавҳали хабарини ўқиб кулишимни ҳам, куйишимни ҳам билмай қолдим. Мана бу жумлани қаранг: «Қувонч» номли ёшлар маданий марказидаги видеосалон мудири Александр Архангельский фуқаро Киселёв тўрт шиша коньякни 120 сўмга пуллаб, 40 сўм ортинча ҳақ олиб қолганлиги учун Собир Раҳимов тумани халқ суди қарори билан давлат кассасига юз сўм жарима тўлашга мажбур бўлган».

Е, тавба. Шу ҳам жазо бўлдики?

Ҳ. МАҲКАМОВ.

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

## ҚИЗИМНИНГ ҚАЙНОНАСИ

Бекатдан 40-45 ёшлар чамаси аёл чиқди. Автобус жойидан қўзғалган ҳам эдики, пастдан: «Вой, ойинг ўргилсин, бирпасгина тўхтагин, айланай болам», — деган овоз эшитилди. Автобус силкиниб тўхтаганида, салонга қўлида катта сумкали аёл кўтарилди. У шофёрни алқай-алқай бояги йўловчи ёнига ўтирди. Иккаласи таниш бўлишса керак, қуюқ сўраша кетишди:

— Вой... жоним, Замирахонмисиз? Эсон-омонмисиз? Кўринмайсиз?

— Худога шукур. Уларингиз тинчмисизлар? Ҳа, нима ташвиш, Муҳтараме опа? — сўради Замира сумкага ишора қиларкан.

— Саидахондан эшитмадингизми? Нодира қизимизни узатмоқчимиз. Бугун яна совчилар келишади. Розилик бермоқчимиз. Шунга мева-чева олиб келялман, айланай.

— Яхши бўлибди. Қаерге тушяпти, куёв ким?..

Аёлларнинг гап-сўзлари тугамас, бири олиб, бири қўйиб, жўғлари тинмасди. Муҳтараме опа деганимиз бўлажак куёви қаерда ишлаши-ю, маоши ҳақида, қизи тушадиган хонадоннинг озодалиғи унинг бўлажак қайнотаси ҳақида «ахборот» берди. Навбат куёвнинг онасига келганда:

— Вой, Замирахон, қизимнинг қайнонасини-ку га пирмай қўяқолай. Узи дўконда сотувчи бўлиб ишлар экан. Кўп сотувчиларни кўрганман, бирам кўрс бўлишадими... Қудам эса тамом аксинча. Бирам ширинсўзки, асти қўясиз... тилидан бол томади-я, бол, — деди.

Шу вақт автобус навбатдаги бекатга етиб келди. Муҳтараме опа унинг олд эшигидан чиқишайтган кишиларга қараб, беихтиёр ҳаяжондан тўлқинланиб кетди:

— Қаранг, Замирахон! Ана, қизимнинг қайнонаси. «Дарёи жим-жим» кўйлакки, айланай.

Мен ҳам беихтиёр қизиқсиниб разм солдим. Чиройли сумкача тутган, уна-эликни, бўёқни юзига роса чаплаган, тўладан келган аёл ҳеч кимга қарамасдан бўш ўриндиқнинг бирига ўзини «тап» этиб ташлаб, ўтириб олди.

Автобус енгилгина ўридан жилди. Хотинлар суҳбатдан чарчашибми, жим қолишди. Ойнадан теварак-атрофни кузата бошладим.

Бир пайт аёл кишининг шанғиллаган овози мияга ўқдек тегди:

— Кўзингга қарасанг, ўласанми, мол! Оёғимни едингку, ер ютур. Еки...

Не кўз билан кўрайки, бу бояги «тилидан бол томадиган қайнона» эди.

Муҳтараме опага қардим. У кишининг юзидан ранги қочган, ерга қараганча чуқур ўйга чўмган эди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

Мухаррир Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ичини).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УзССР